



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK
TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

“ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O'RNI”

mavzusidagi III xalqaro ilmiy-nazariy va
amaliy anjuman materiallari



2026-yil 12-fevral





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

BOBUR NOMLI XALQARO JAMOAT FONDI

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR
MEROSINING SHARQ DAVLATCHILIGI VA
MADANIYATI RIVOJIDA TUTGAN O‘RNI**

III xalqaro ilmiy-nazariy va amaliy anjuman materiallari

Toshkent – 2026



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА БОБУР МЕРОСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ТАФАККУР МАДАНИЯТИ

PHYSICAL EDUCATION AND THINKING CULTURE OF FUTURE TEACHERS BASED ON BABUR'S LEGACY

Халмуратова Муҳтарам Ульмасовна

Ботирали Сидиқов номидаги Қирғиз-Ўзбек Халқаро университети
Ўқитувчи

E-mail: Muhtaramhalmuratova1@gmail.com

DOI: [10.52773/tsuull.conf.2026./PYHE2591](https://doi.org/10.52773/tsuull.conf.2026./PYHE2591)

Аннотация. Мақолада бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг тафаккур маданиятини шакллантиришнинг методологик асослари жисмоний тарбия фани доирасида таҳлил қилинган. Жисмоний тарбия машғулотларининг таълимий салоҳияти ўқувчиларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожига таъсири нуқтаи назаридан асослаб берилган. Шунингдек, ҳаракат фаолияти жараёнида намоён бўладиган тафаккур турлари таҳлил қилинган. Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг инсон камолоти ҳақидаги қарашлари замонавий педагогик тайёргарлик жараёни билан уйғунлаштирилган. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали бўлажак педагогларнинг ижодий ва рефлексив тафаккурини ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия, бошланғич таълим, бўлажак ўқитувчи, тафаккур маданияти, компетентли ёндашув, сунъий интеллект.

Annotation. The article analyzes the methodological foundations of the formation of a thinking culture of future primary school teachers within the framework of physical education. The educational potential of physical education classes is justified from the point of view of their impact on the physical and intellectual development of students. The types of thinking that manifest themselves in the process of motor activity are also analyzed. The article combines Zahiriddin Muhammad Babur's views on human development with the modern pedagogical training process. The possibilities of developing creative and reflective thinking of future teachers through the use of artificial intelligence technologies are highlighted.

Keywords: physical education, primary education, future teacher, thinking culture, competent approach, artificial intelligence.

Замонавий таълим тизими таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш ва ижодий қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Бу жараён, айниқса, бошланғич таълим босқичида муҳим аҳамият касб этади, чунки мазкур босқичда болаларнинг



интеллектуал фаолияти шакллана бошлайди [Ильин, 1987: 3]. Шу боис, бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида уларнинг тафаккур маданиятини ривожлантириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Жисмоний тарбия анъанавий равишда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний сифатларни ривожлантиришга хизмат қилувчи фан сифатида қараб келинган. Бироқ замонавий педагогик тадқиқотлар мазкур фаннинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари анча кенг эканлигини кўрсатмоқда. Жисмоний фаолият инсоннинг билиш жараёнларини фаоллаштириб, диққат, хотира ва тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади [Бобур, 2019:1].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида инсоннинг жисмоний, маънавий ва ақлий камолоти уйғунлигига алоҳида эътибор берилган. Бу ғоялар замонавий педагогик таълимда ҳам муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин [Роберт, 2022: 6].

Тафаккур маданиятининг педагогик моҳияти инсоннинг фикрлаш қобилиятининг ривожланганлик даражасини белгилайди. Тафаккур маданияти шахснинг билимларни англаш, таҳлил қилиш ва уларни амалий фаолиятда қўллаш қобилиятини ифодалайди. Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчилари учун мазкур сифат касбий компетентликнинг муҳим қисми ҳисобланади [Ильин, 1987: 3].

Тафаккур маданияти қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

- мантиқий фикрлаш қобилияти;
- таҳлил ва синтез қилиш кўникмалари;
- рефлексив фикрлаш;
- ижодий ёндашув.

Ушбу сифатларни шакллантиришда таълим жараёнини фаолиятга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия ва тафаккур маданияти ўртасидаги боғлиқлик масалалари инсон организмнинг жисмоний, психик ва интеллектуал ривожланиши бир-бири билан узвий алоқада эканлиги, ҳаракат фаолияти орқали мия фаолиятининг фаоллашуви, диққат, хотира, тафаккур ва ижодий қобилиятларнинг такомиллашуви билан изоҳланади. Жисмоний тарбия машғулотлари жараёнида турли тафаккур турлари фаоллашади. Амалий-ҳаракатли тафаккур ҳаракатларни бажариш жараёнида шаклланиб, ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Кўргазмали-образли тафаккур машқларни намойиш этиш, схема ва моделлардан фойдаланиш жараёнида ривожланади. Сўзий-мантиқий тафаккур эса машқ техникасини таҳлил қилиш ва ҳаракат қоидаларини муҳокама қилиш орқали шаклланади [Бобур, 2019:1].

Ўйин фаолиятида тактик тафаккур ривожланиб, тез қарор қабул қилиш ва вазиятга мослаша олиш қобилияти шаклланади. Бу сифатлар педагогик фаолиятда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бобур меросида инсон камолоти ғояси тўлиқ ифодаланиб, у жисмоний бақувватлик, маънавий поклик, ақлий зийраклик ва ахлоқий етукликнинг уйғун ривожланишини инсон шахсининг баркамоллиги шarti сифатида талқин қилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида инсоннинг жисмоний бақувватлиги ва ақлий етуклигини бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўрсатган. Унинг фикрича, инсон ҳаракатчан, иродали ва билимга интилиши лозим [Кларин, 2010:6].

Бобурнинг мазкур қарашлари замонавий таълим тизимида шахсни ҳар томонлама ривожлантириш ғоялари билан уйғун келади. Жисмоний тарбия орқали ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш Бобур таълимоти билан ҳамоҳанг ҳисобланади.

Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш имкониятлари замонавий жисмоний тарбия дарсларида ҳам таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг индивидуал жисмоний ривожланишини ҳисобга олиш, ҳаракат фаолиятини таҳлил қилиш, машқларнинг тўғри бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва тафаккур маданиятини шакллантиришда самарали педагогик восита сифатида намоён бўлади. Рақамли таълим шароитида сунъий интеллект технологиялари бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнида муҳим воситага айланмоқда. ИИ асосидаги рақамли платформалар ҳаракатларни таҳлил қилиш, хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш имконини яратади [Роберт, 2022:4].

Шунингдек, сунъий интеллект симуляторлар ва таълимий чат-ботлар орқали педагогик вазиятларни моделлаштириш имконини беради. Бу жараён бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив ва ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади [Luskin, 2016: 5].

СИ технологиялари ёрдамида ҳаракатли ўйинлар ва машқлар учун янги сценарийлар ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Жисмоний тарбия бошланғич таълимда ўқувчиларнинг тафаккур маданиятини шакллантиришда муҳим таълимий ресурс ҳисобланади. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш бўлажак педагогларнинг методологик тайёргарлигига боғлиқ.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг инсон камолоти ҳақидаги ғоялари замонавий педагогик таълимни бойитишга хизмат қилади. Сунъий интеллект технологияларини таълим жараёнига жорий этиш эса бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини янада ривожлантириш имконини беради [Кларин, 2010: 24].

Адабиётлар:

1. Ильин Е.П. Жисмоний тарбия психологияси. – Москва, 1987.
2. Деннисон П., Деннисон Г. Мия гимнастикаси. – Москва, 1997.



3. Кларин М.В. Таълимда компетентли ёндашув // Халқ таълими. – 2010.
4. Роберт И.В. Таълимнинг рақамли трансформацияси. – Москва, 2022.
5. Luckin R. Intelligence Unleashed: AI in Education. – London, 2016.
6. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент, 2019.